**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ ОЗОДЖОН МАРДИЕВИЧ

VII-X АСРЛАР ТАНГ ДАВРИ ШЕЪРИЯТИДА РАМЗЛАР СЕМАНТИКАСИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

УЎК: 809.51
КБК: 81.2(5)
О-95

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Очилов Озоджон Мардиевич
VII – X асрлар Танг даври шеъриятида рамзлар семантикаси..... 3

Очилов Озоджон Мардиевич
Семантика символов в поэзии эпохи Тан VII – X веков..... 23

Ochilov Ozodjon Mardiyevich
Semantics of symbols in the poetry of the Tang VII – X centuries..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….. 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВ ОЗОДЖОН МАРДИЕВИЧ

VII-X АСРЛАР ТАНГ ДАВРИ ШЕЪРИЯТИДА РАМЗЛАР СЕМАНТИКАСИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil.58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган**.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tashgiv.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Маннонов Абдураҳим Муталович** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тўхлиев Боқижон** филология фанлари доктори, профессор
	Лю Тао (刘涛) филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (+99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй. Тел: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____»_____даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Г.Х.Боқиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

А.Қуронбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигининг сўнгги йиллардаги тараққиётида Шарқ халқлари адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш, бадиий адабиётнинг умуминсоний ғоялар, образлар ва рамзлар тизими таҳлилига қаратилган тадқиқотлар салмоқли ўрин эгалламоқда. Айниқса, Шарқ халқлари адабиётининг бир бўлаги сифатида хитой адабиётининг маданият билан боғлиқ миллий менталитети, дунёни англашдаги ғоявий-бадиий эстетик тафаккур ва қарашлари, адабиётда образларни бадиий ифода этиш усул ва услублари, адабий тасаввур шаклларининг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этиш, қолаверса, рамзлар символикаси билан боғлиқ лингвопоэтик изланишлар ниҳоятда муҳим саналади.

Дунё адабиёти тарихида хитой мумтоз шеъриятининг тутган ўрни беқиёсдир. Танг даври ижодкорлари яратган асарларнинг энг яхши намуналари Ғарб ва Шарқ адабиёти нодир асарлари билан бир қаторда шуҳрат қозонган. Танг шеърияти ўзида кўп асрлик халқ маданияти, руҳияти, тафаккурини мужассамлаштиргани, шунингдек, содда ва нафислиги, ҳаётга нисбатан муҳаббат, ҳиссиётларни нозик акс эттирганлиги билан шундай мақомга эришди. Танг шеъриятини илмий ўрганиш ўша давр адабиётининг бадиий-эстетик тафаккурини чуқур ҳис қилиш билан бирга, замонавий хитой жамиятининг маданияти, руҳияти ва тафаккур тарзини яқиндан тушуниш имкониятини ҳам яратади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги даврида барча жабҳалар каби санъат ва адабиёт соҳаларининг ривожига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»[1]нинг давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик соҳасида илмий изланишлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратди. Бугунги даврнинг талаби сифатида Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ҳар қачонгидан ҳам серқирра бўлиб, икки мамлакатнинг манфаат ва муносабатлари «стратегик ҳамкор» даражасига чиқди. Бундай вазиятда хитой халқларининг ҳар икки маданият тарихи ва адбиётини ўрганиш, уларни тадқиқ этиш муносабатлар савиясини кўтаришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стартегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, имлий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-2789-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони./ Халқ сўзи 2017 йил 8 февраль. №28 (6722)

тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376- сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот иши юзасидан Ф.Ницше, Э.Кассирер, Ҳ.Ҳегел, М.Халбвакс, Я.Ассман, Э.Тайлор, Р.Недхам, А.Виерзбика каби ғарб[2], Ю.М.Лотман, Н.Д.Артюнова, М.Бахтин, Г.Гачев сингари рус[3], Жоу Зуорен, Хуан Пукай, Лянг Зонгдай каби хитой[4], А.Қуронбеков, А.Шарапов сингари ўзбек[5] олимлар рамзлар масаласида илмий-назарий тадқиқотлар олиб боришган.

Танг даври адабиёти борасида рус-совет олимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Бу борада В.М.Алексеев, Л.З.Эйдлен, С.Торпцева, И.С.Лисевич, И.И.Соколоваларнинг номларини тилга олиш лозим[6]. Хусусан, В.М.Алексеев, Л.З.Эйдлен ва С.Торопцевалар томонидан танг даври шеърияти ва унинг таржималари устида жиддий тадқиқотлар олиб борганлиги кузатилади. Уларнинг ишларида асосан адабий муҳит, шеърларнинг ғоявий хусусиятлари, мавзу кўлами, бадиий, анъанавийлик ва

---

[2] Ницше Ф. Рождение трагедии, или Эллинство и пессимизм. –М.: «Наука», 1984; Кассирер Э. Понятие символической формы в структуре о духе // Культурология XX век. — 1998. — № 11. - С. 37-66; Гегель. Г. Эстетика:. В 4 т -. М:. Искусство, 1969-1971 -. Т 2; Halbwachs M: On Collective Memory. Universityof Chicago-Press, 1992; Ассман Я. Культурная память: Письмо, память о прошлом и политическая идентичность в высоких культурах древности. –М.: Языки славянской культуры, 2004; Тайлор Э. Первобытная культура, серия «Библиотека атеистической литературы». –М.: Издательство политической литературы, 1989; Needham R. Symbolic Classification. Goodyear Publishing Co, 1979; Wierzbicka A. Semantics, Culture, and Cognition: Universal Human Conceptsand Culture-Specific Configurations. Oxford: Oxford UP, 1992.

[3] Лотман Ю. М. Семиосфера. - СПб, 2001; Его же: Символ в системе культуры //Тартуский ун-т. Ученые записки. Вып. 754. - Тарту, 1987; Арутюнова Н.Д. 1988 — От образа к знаку. Мышление, когнитивные науки, искусственный интеллект. М., 1988; Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. -СПб.: 2000; Гачев Г. Национальные образы мира. –М.: Советский писатель, 1988.

[4] 周若人: 谈龙集 – <扬鞭集>序, 岳麓书社，1989 年版，第 40 页; 黄普凯等：象征主义•意象派,-北京：中国人民大学出版社，1989. 第 94 页; 《文学季刊》第一卷第 2 期，1934 年 4 月 1 日.

[5] Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. –Т.: Фан, 1994; Шарапов А. Оламлар ичра оламлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

[6] Алексеев В.М. Китайская литература. –М.: Наука, 1978; Эйдлин Л.З. Из танской поэзии (Бо Цзюй-и) Тр. Воен. ин-та иностр. яз. –1946. – № 2. – С. 55–69; Эйдлин Л.З. Предисловие Китайская классическая проза в переводах академика В.М. Алексеева. – М.: Изд-во АН СССР, 1958; Китайская классическая поэзия в переводах Л. Эйдлина. – М.: Художественная литература.,1975; Поэзия эпохи Тан (7 — 10 вв.): Перевод с китайского. /Ред. Р. Делюсин, Т. Редько, В. Сорокин и др.; сост. и вступ. ст. Л. Эйдлина. — М.: Худож. лит., 1987; Сорокин В. Ф., Эйдлин Л. З.: Китайская литература. –М.: Восточная литература , 1962; Торопцев С.А.. Жизнеописание Ли Бо - Поэта и Небожителя. М.: ИДВ РАН, 2009; 48. Ли Бо. Пейзаж души. СПб., 2005; Лисевич И.С. Литературная мысль Китая на рубеже древности и средних веков. –М.: Наука, 1979; Соколова И.И. Танские Сяошо: Автореф. дисс.канд.филол.наук. –М., 1969.

новаторлик хусусиятларини ўрганишга аҳамият қаратилган.

А.Г.Сторожукнинг «Жизнь и творчество танского поэта Юань Чжэня (779-831)»[7] номли тадқиқот иши Танг даврида яшаб ижод қилган Юань Чжэннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Тадқиқот жараёнида шоирнинг фалсафий дунё қараши ва уни бадиий акс эттиришда диний-мистик қарашлар, хусусан, дастлабки конфуций, маълум даражада дао ва буддизм таълимотларининг таъсири масалалари, шунингдек хитой адабиёти тарихида драмматургия ва мумтоз романларнинг юзага келишида тутган ўрни очиб берилган.

С.Овен, Д.Хинтон, М.Алфреда[8] каби олимларнинг хитой мумтоз адабиёти, хусусан, танг шеъриятига бағишлаб яратган ишлари ҳам асосан антология шаклида бўлиб шоирлар таржимаи ҳоли, шеърлардан наъмуналар ва уларга ёзилган шарҳлар билан чекланилган.

Шао Хун, Чин Чяошенг, Сяо Жяченг, Цай Жинчу, Лонг Суманг, Денг Жонглонг, Пенг Дингчю, Вен Эдуо[9] каби хитойлик олимларнинг тадқиқотларида рамзий образларни таснифлаш, уларнинг хитой маданиятидаги ўрнини белгилашга қаратилган. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, танг шеъриятидаги рамзий образлар шаклланишига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омиллар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар, маъно талқини хусусиятлари етарли даражада асосланмаган.

Ж.Т.Зиямухамедов[10] хитой адабиёти тарихи, ўрта асрлар хитой новеллалари, насри юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борган. Тадқиқотларнинг Танг даври адабиётига тегишли қисмларида ўша давр шоирларининг тафаккур тарзи, адабий ва сиёсий жараёнлардаги фаол ҳаракати борасида сўз юритилган. Шунингдек, бу даврда ривожланиш босқичига қадам қўйган новелла жанрининг бадиий-ғоявий ва сюжет тузилиши, анъанавийлик ва новаторлик хусусиятлари борасидаги илмий-назарий қарашлари келтирилган.

Танг даври шеъриятида мавжуд образлар рамзий маъноларининг шаклланиши, уларнинг семик талқини масалаларини тилшунослик ва адабиётшуносликнинг турли соҳалари нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган алоҳида монографик пландаги ишлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

---

[7] Сторожук А.Г. Жизнь и творчество танского поэта Юань Чжэня (779-831): Автореф. дисс. канд.филол. наук. –М., 1996. – 25 с.

[8] Owen S. The Poetry of the Early T'ang. New Haven: Yale University Press, 1977. ; 4. Owen S. The Great Age of Chinese Poetry: The High Tang. New Haven Conn.: Yale University Press, 1981.; 5. Owen S. The Late Tang: Chinese Poetry of the Mid-Ninth Century (827–860). Cambridge, Mass.: Harvard University Press, Harvard East Asian Monographs, 2006; Hinton D. Classical Chinese Poetry: An Anthology. NewYork, 2008; Alfreda M. Poetryand Paintingin Song China: The Subtle Artof Dissent. Harvard University Asia Center. 2000.

[9]晓红：中华一壶酒. -北京: 中国林业出版社, 2007 年; 陈桥生: 诗酒风流. -北京: 华文出版社, 1997 年; 萧家成: 中华民族酒文化. -北京: 华龄出版社, 2007 年; 蔡镇楚,龙宿莽: 唐宋诗词文化解读 –北京: 北京图书馆出版社. 2004 年 9 月第 1 版; 邓中龙著: 唐代诗歌演变, 岳麓书社. 2005 年 1 月第 1 版; 彭定求等编:.全唐诗. –北京: 中华书局. 1960 年排印版; 闻一多:唐诗杂论. -上海: 上海古籍出版社. 1998 年 12 月第 1 版.

[10] Зиямуҳаммедов Ж.Т. Пу Сунлиннинг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиш масалалалари): Филол.фан.номз...дис.-Т., 2005; Шу муаллиф. Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари, -Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2016; Хитой адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши тарихи ва ривожланиш босқичлари. «Хитой ва Марказий Осиё халқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон» мавзуидаги илмий анжуман материаллари. –Т., 2004. –Б.70-73; Зиямуҳаммедов Ж.Т. ва б.: Хитой адабиёти. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2016.

Тошкент давлат шарқшунослик институти илий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари адабиётида жанр ва услуб масалаларини ўрганиш» мавзуидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади VII-X асрлар танг шеъриятида поэтик рамзларнинг кенг қўлланиши, уларнинг шаклланиш омиллари, ўша даврда вужудга келган адабий воқелик, бадиийлик масалалари, танг шеъриятида «Ой» ва «май» поэтик образларининг рамзий маънолари, уларнинг семантикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

рамз ва унинг адабиётдаги ўрнини назарий жиҳатдан асослаш;

хитой адабиёти тарихида нарса, ҳодисани рамзга айланиш хусусиятларини кўрсатиш;

анъанавий ифода усуллари *би, синг* ва рамз ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлаш;

рамзий маъно шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш;

рамзий образларнинг маъно талқинини семиотика нуқтаи назаридан ўрганиш;

рамзий образларнинг маъно талқинини ўрганишда когнитив тилшунослик, герменевтика, прагмалингвистика, лингвокультурологиянинг аҳамиятини кўрсатиш;

«Ой» ва «май» поэтик рамзларининг гносеологик илдизлари, ижтимоий ҳаёт, диний ва фалсафий қарашлар билан боғлиқ маъно ўзгаришларини ёритиш;

Танг даври шеъриятининг турли фалсафий таълимотлар билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиш жараёнида «Ой» ва «май» поэтик рамзларининг умумий ҳамда индивидуал маъноларини асослаш.

Тадқиқотнинг объектини VII-X асрлар Танг даври хитой шеъриятидаги рамзий образлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хитой классик адабиёти, хусусан, танг даври шеъриятидаги рамзлар семантикаси белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёсий-тарихий, герменевтика, жадваллаштириш, таърифлаш, таснифлаш каби таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

танг шеъриятида поэтик рамзларнинг маъно шаклланишига хитой халқининг менталитети, маданияти, диний-фалсафий қарашлари, фольклори, шеърият қонуниятлари, шоир шахси ва хитой тили фонетикаси каби омилларнинг тутган ўрни исботланган;

рамзнинг мумтоз хитой шеъриятига хос анъанавий ифода усуллари ҳисобланмиш *би* ва *синг*дан маънони яширин − имплицинт ифодалаш, ўзида катта маданий маълумот сақлаш сингари фарқли ҳамда моддийлик ёрдамида мавҳум тушунчани ифодалаш ва ассоциатив жараённи юзага келтириш каби ўхшаш хусусиятларнинг мавжудлиги аниқланган;

Танг даври шеъриятида шаклланган рамзларнинг ҳозирги давр иқтисодий-тижорий ҳаётдаги аҳамияти, хусусан, савдо-сотиқ фаолиятидаги ўрни асослаб берилган;

Танг давридаги адабий муҳит ва танқидчилик, адабий алоқалар ва анъаналар ҳамда ижтимоий-сиёсий вазият кабиларнинг шоир ва ёзувчилар ижодий йўналишига таъсири далилланган;

семиотика, когнитив тилшунослик, герменевтика, прагмалингвистика, лингвокультурология каби соҳаларнинг назарий қарашлари ёрдамида танг шеъриятида кенг қўлланилган «Ой» ва «май» поэтик образларнинг рамзий маънолари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент давлат шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари асосида амалга оширилган Ф-1-139 «Шарқ халқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» номли илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида «Хитой фольклор адабиёти» ва «Хитой адабиёти» номли монографиялар нашр қилинган. Мазкур монографияларда олиб борилган тадқиқот натижалари жамланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Адабиётшуносликка оид илмий йўналишларга асос, методик ва назарий манбалардан фойдаланиш, прагмалингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, семантика герменевтиканинг назарий қарашлари ёрдамида муаммоларни ҳал қилишнинг таянч усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганлиги, шунингдек, амалиётга хулоса ва тавсияларнинг татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини танг шеъриятида кенг қўлланилган образларнинг рамзий маъноларини семиотика, прагмалингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик ва герменевтика йўналишлари доирасида ўрганиш ташкил этади. Тавсия этилган таҳлил методлари образларнинг рамзий маъноларини тўла англашга, рамзларнинг ҳозирги давр адабий жараёнлари ҳамда хитой халқининг маданий ҳаётидаги аҳамиятини чуқур ҳис қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, тадқиқот натижасида эришилган материал, таржималар ва илмий хулосалар келгусида яратилажак монографик тадқиқотлар ва таълимнинг бакалавр йўналишида хитой адабиётини ўрганаётган талабаларга ва магистратура мутахассислиги хитой адабиётини ўрганувчи талабаларга «Танг шеърияти», «Шеърий тизимлар ва жанрлар», «Асосий чет тилидаги махсус адабиёт таҳлили» каби фанлар учун ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратишда манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. VII-X асрлар Танг даври шеъриятида рамзлар семантикаси таҳлили давомида олинган хулоса ва натижалар асосида:

Хитой миллий-маданияти ва мумтоз адабиётида «май» рамзининг лингвопоэтикаси борасидаги натижалардан Ўзбекистон туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда қўмита қошидаги «Ипак йўли офиси» УКнинг Ўзбекистон вино маҳсулотларининг хитойлик сайёҳларга манзур келувчи реклама матнлари, брошюра, видео-роликлар тайёрлашда фойдаланган (Ўзбекистон туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги «Ипак йўли офиси»нинг 2018 йил 4 майдаги №01/057-сон

маълумотномаси). Олинган натижалар хитойлик сайёҳларни юртимизга кенг миқиёсда жалб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Хитой маданиятида рамзларнинг ўрни, аҳамияти ва шеърий таржималар Ўзбек-хитой Конфуций институти фаолиятида, «Баҳор байрами», «Ўрта куз байрами» каби маданий тадбирларда ва хитой маданий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи рамзларларнинг маъно талқинини ўқувчиларга тушунтириш жараёнида фойдаланилган (Ўзбек-хитой конфуций институтининг 2018 йил 4 майдаги №64/18-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг хитой миллий маданиятида муҳим ўрин тутувчи рамзларнинг маъно-моҳиятини чуқур англашга ва уларнинг дунёқарашини англашга хизмат қилган;

Хитой халқининг дунёни англаш борасидаги бадиий-эстетик, фалсафий-этик тафаккури ва ўзига хосликларини англаш тўғрисидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУК томонидан туркум эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган («Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2018 йил 30 апрелдаги 04-25-665-сон маълумотномаси). Олинган натижалар тингловчиларнинг хитой халқининг ўзига хос менталитети, маданий-эстетик қарашлари ҳақида билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 1 та халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Рамзлар ҳақидаги назарий қарашлар ва Танг даври шеърияти»** деб номланган. Унда поэтик рамзнинг назарий асослари, ўрганилиши, тарихий илдизи, манбалари ва омиллари ҳамда Танг даври шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари ва унда рамзларнинг ўрни тадқиқ қилинган.

Рамзнинг инглиз тилидаги муқобили ҳисобланмиш *symbol* логика, тилшунослик, семиотика ва психология доирасида одатда «белги» тарзида

изоҳланади; бадиий санъат, диншунослик каби доираларда эса у «рамз» сифатида тушунилади. Тор маънода рамз асосан бадиий ифода усулидир, кенг маънода эса инсоният ҳаётининг деярли барча жабҳаларига тааллуқли бўлиб, маданий антропологияга оиддир. Рамзлар ўзига хос тафаккур тарзи бўлиб, уларнинг вужудга келишида руҳий-психологик асос мавжуд. Илк рамзий образларнинг пайдо бўлиши ибтидоий одамларнинг ифода қила олиш қоблиятининг заифлиги, мужмаллик, ноаниқлик каби хусусиятга эга эканлиги натижасида шаклий образларга мистика сингдирилганлиги ва ғайриоддий ассоциатив қараш юзага келганлиги билан боғлиқ.

Рамзлар ҳақидаги қарашларнинг ижтимоий-ғоявий мазмунига эътибор қаратар эканмиз, рамзларнинг маданият ва рамз тушунчасида муштарак жиҳатлар борлиги кўзга ташланади. Рамз маданият хотирасининг асровчиси, ташувчиси ва яратувчиси сифатида намоён бўлади. Рамздан шеърияда кенг қўлланилиш сабабларидан бири, унинг маълумотларни ихчамлаштириш, мужассамлаштириш ва яратиш хусусиятларига эга эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу шеърнинг энг муҳим шартларидан бўлмиш шаклан ихчамлик, маъно жиҳатдан теранликни таъминлаш талабига мос келади.

Поэтик рамзлар метафорага нисбатан мураккаб тузилишга эга. Агар оддий метафора, жўн қилиб айтганда, қисқартирилган ўхшатиш бўлса, поэтик рамзда эса мураккаброқ, зоҳирий композиция мавжуд. Метафорада акс этувчи нарса-предмет билан акс эттирувчи ўртасидаги боғланиш поэтик символга нисбатан осонроқ англашилади. Поэтик рамзнинг катта ижтимоий мазмунни, идеални таъкидлай олиш, белгилай билиш характери тарихийлик ва миллийлик принципи билан чамбарчас боғланган. Поэтик рамзда акс этувчи ва акс эттирувчи хусусиятларнинг солиштирилиши яширин тус олади. Унда акс этувчи акс эттирувчида тўлиқ бўлади... Поэтик рамзда акс этувчи акс эттирувчида тўлиқ яширинган бўлиб, ўқувчидан тарихий ва миллий хусусиятларни билишни, юксак мушоҳадага эга бўлишни талаб этади[11].

Рамз моҳиятан алоҳида матндир, замонлараро кўчиб юради, юқори даражада бутунлигини сақлаб қолади. Уни алоҳида ажратиш ёки даврларга кўра тартиб билан қатламлаштириш мумкин эмас. Рамз бошқа бир матн таркибига кириши мумкин, бир вақтда тузилиш ва маъно жиҳатдан мустақиллик хусусиятини сақлаб қолади, матнда ажратилган тақдирда ҳам бу хусусиятини йўқотмайди. Хуллас, рамз ўзлигини йўқотмаган ҳолда бир семиотик контекстдан бошқа бир семиотик контекстга кўчиб ўтиши мумкин, унинг мана шундай хусусияти бизга рамзни таниб олишимиз учун энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ву Ёфунинг ёзишича, Хитойда рамзий сўзлар келиб чиқиш манбаларига кўра қадимги тотемлар, ирим-сиримлар ва афсунгарликларга бориб тақалади[12]. Тотемларнинг юзага келиши қадим халқлар дунёни англаш даражаси чекланганлиги ва қуйи турмуш тарзи каби омиллар билан бевосита боғлиқ. Ҳаётда мавжуд қийинчиликлар, турли кўнгилсизликлардан қочиш, паноҳ излаш, сақланиш каби эҳтиёжлар осмон жисмлари, табиат ҳодисалари, турли

[11]Шарапов А. Оламлар ичра оламлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. –Б. 52.
[12]吴友富: 国俗语义研究. –上海: 上海外语教育出版社, 1998. 第 2 页.

нарса-буюмлар, баъзи ҳайвон ва ўсимликларни илоҳийлаштириш босқичига олиб келди. Инсониятда секин-асталик билан ўз хоҳиш-истаклари, ниятларини илоҳларга етказишнинг самарали йўлларини излай бошлаш эҳтиёжи юзага келди. Натижада турли ирим-сиримлар ҳамда афсунгарлик пайдо бўлди. Ирим-сиримлардан мақсад ҳар хил кўнгилсизликлардан сақланиш бўлса, афсунгарликдан мурод ўз орзу-ниятига эришиш илинжи эди. Узоқ йиллар мобайнида тотемлар, ирим-сирим ҳамда афсунгарликда фойдаланилган нарса-буюмлар маълум бир маросимлар орқали (сиғиниш, қурбонлик келтириш, никоҳ ва ҳ.к.) аждоддан авлодга ўтиб келиш жараёнида уларнинг образлари турғунлаша борди ва инсонлар онгига сингиб кетган рамзларга айланди. Кейинчалик рамзлар аста-секинлик билан белгиларга, кейинчалик баъзи хитой иероглифларининг юзага келишида воситачи ролини ўйнади, аниқ маданий маънога эга бўлган рамзий сўзлар пайдо бўла бошлади. Энг қадимги замонлардан турли тотемлар ассоциациялашиб, кейинги даврларгача ривожланиб келди. Хитой адабиёт тарихида илк шеърий тўплам ҳисобланмиш «Назимнома» («Шижинг») да «бисинг» ифода усуллари ёрдамида нарса-буюмларга бошқа маънолар юклатилди. Масалан, «балиқчи қуш» («雎鸠») образи орқали йигит-қизнинг соғинчи, «шафтоли гули» («桃») тимсолида келинчак ифодаланди. Чюй Юаннинг «Мандарин мадҳи» («橘颂») асарида «мандарин» биринчи марта муқаддас ва олижаноблик рамзи сифатида қўлланилганлигини кўриш мумкин. Замон ўтиши билан сўз маъносининг соддадан мураккаблик томон силжиши, асл маънонинг бошқа маъноларни юзага келтира бошлаганлиги боис бир моносемантик сўзлар полисемантик сўзларга айлана борди. Бу ҳодиса рамзий сўзлар маданий маъносининг турғунлашуви ва ривожланиши учун қулай шароит яратди. Хан, Вей ва Олти сулола даврига келиб рамзий сўзларнинг маданий маъноси қадамба-қадам ривожланиб борди.Танг сулоласи даврига келиб рамзий сўзлар чинакамига кенг миқиёсда ривож топа бошлади. Бу ҳолат бевосита аждодлар маънавий мероси билан боғлиқ бўлиши қатори, шу даврга келиб сиёсатнинг нисбатан либераллашгани ва натижада иқтисод, маданият, жумладан адабиёт ҳамда ҳалқаро муносабатларнинг жадаллик билан тараққий этганлиги, шеърий вазнларга нисбатан ўта қатъий қонун қоидаларнинг ишлаб чиқилганлиги, ижодкорларда ички кечинмаларни билвосита куйлашнинг қарор топиши каби омиллар сўз маъно-мазмунига нисбатан таъсир этишда аксини топди. Танг шеъриятидан ўрин олган рамзий сўзлар (образлар)нинг маданий мазмуни янада турғунлашиб, нозиклашиб ва бойиб борди. Бу эса шеърият тилига хос ифода кучи ва таъсирчанликнинг ошишига олиб келди. Танг даврига келиб рамзий сўзларнинг содда ассоциациялашув босқичи ниҳоясига етди ва улар таъсирчанликнинг ошиши нуқтаи назаридан ривожланиш босқичига кирди.

«Рамз» (symbol) тушунчаси хитой адабиётшунослигига кириб келгач, бошлаб, у адабиётшунослар томонидан энг кўп эътибор қаратиладиган сўзга айланди. Хитой адабиётшунослигида рамзга нисбатан турли, бир-биридан фарқли қарашлар юзага кела бошлади. XX аср 20-30-йиллари адабиётида «рамз» ва анъанавий «比 *bi*, 兴 *xing*»нинг қўлланилишидаги ўзаро боғлиқлик масаласи ҳақида қизғин баҳслар бўлиб ўтганлиги хитой манбаларидан яхши

маълум. Рамз ва *би, синг*ни ўзаро қиёслаш орқали ҳар иккисининг тасвирий восита нуқтаи назаридан конкрет ўхшаш жиҳатларга эга эканлигини пайқаш мумкин. Масалан, рамз, *би* ва *синг* бир хил равишда икки нарса ўртасидаги муносабатни ифодалайди; уларда асил маънони яширин (имплицит) ифодалаш каби бадиий хусусият мавжуд ва ҳоказолар. Бироқ, рамз тўла-тўкис «*синг*» билан мос эмас. *Синг* ёрдамида ифодаланаётган маъно одатда матнда мавжуд ва буни осон илғаб олиш имкони бор. «Рамз» эса унинг объекти матнда албатта кўриниш бериши шарт эмас, рамз англатаётган маъно яширин (имплицит) бўлиб, аксар ҳолатларда у ўқувчининг билими, дунёқараши ва ассоциатив тажрибаси ўзаро бириккан ҳолда юзага чиқади. Рамзлар шартли белги бўлгани учун ўзгарувчандир. Вақт ўтиши билан баъзан ижтимоий давр, гуруҳ, оқимлар таъсирида ўз маъносини ўзгартиради. Қадимги хитой адабиёт-шунослигида *би, синг* каби ифода усулларининг мавжудлиги ва унинг кенг қўлланилганлиги ўша давр поэзиясида рамзий ифодалар бўлмаган, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Қадимги хитой шеъриятини ўрганиш натижасида кўплаб поэтик образларнинг рамз даражасига кўтарилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларни илмий таҳлил қилиш тадқиқотчи олдига, авваламбор, *би, синг* ва поэтик рамз ўртасидаги чегарани аниқлаб олиш талабини қўяди.

Танг сулоласи даврида асосан дин ва маданиятга катта эътибор қаратилди. Хусусан, кунгзичилик, дао таълимоти, будда дини бу даврнинг асосий мафкурасига айланди. Танлов имтиҳонларининг асосини ҳам ана шу таълимотлар ташкил қиларди. Бу эса жамиятда адиблар ролининг ошиши учун хизмат қилди. Илм-фанга бундай ёндашув ёзувчи ва шоирлар сонининг кўпайишига олиб келди. Давлат томонидан кадрларни танлаш ва табиялаш мақсадида жамиятнинг қуйи қатламларигача кириб бориши мамлакатда сиёсат, иқтисодиёт, маданият, илм-фан каби соҳаларнинг тараққий этишига олиб келди. Кейинчалик бу давр хитой тарихининг «олтин даври» деган ном олди.

Танг даври адабиётининг гуллаб яшнаши адабиётнинг ўзидаги узлуксиз ривожланишнинг самараси эди. Адабиёт қадимги Чин подшоҳлиги давридан тортиб, Олти сулола даврига ча бўлган оралиқда ниҳоятда узоқ тарихий тараққиёт жараёнини бошидан кечирди. Назм ва насрда етарли тажриба ва мерос тўпланди. Реализм билан романтизмдан иборат гўзал анъаналарнинг юзага келиши ва уларнинг тараққий этиши образларни бир-бирига ўхшаш бўлмаган фикрлар орқали тасвирлаш, ўзига хос оригинал мавзу ва шеърий жанрлар устидаги изланишлар, шунингдек, тон (оҳанг) вазнининг қўлланиши, тил услубининг чуқурлашуви, ифода маҳоратининг янгиланиши Танг сулоласи даври адабиётининг ўзига хос тараққиёт йўлидан боришини таъминлади.

Танг даври поэзиясида вазн ва қофия масаласига жиддий эътибор қаратилди. Муҳими шундаки, хитой манбаларида қадимги туркий шеъриятга алоҳида диққат қилинган. Хитой манбаларида туркий адабиётнинг, туркийлар томонидан яратилган куй ва қўшиқларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этганлиги таъкидланади[13]. Масалан, VIII асрга келиб хуларнинг[14]

[13]http://wapbaike.baidu.com/item/

[14]Ху, яъни 胡 қадимги Хитойдан Шимол ва Ғарбда жойлашган давлатларда яшовчи турли халқларнинг умумий номланишидир. //辞海，下，-上海.: 上海辞书出版社, 1999. 第 4279 页.

кийимлари, таомлари ва куй-қўшиқлари жуда оммалашган[15]; Танг империяси Узоқ Шарқ, Марказий Осиё, Жанубий ва Олд Осиёнинг кўплаб давлатлари билан иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйган. Тошкент, Самарқанд ва Бухородан ташриф буюрган юзлаб актёрлар – хонанда ва рақосслар Танг империяси пойтахти Чанган шаҳрида куй-қўшиқ, рақслари билан чиқишлар қилган. Бу ҳақида ёзма манбалар билан бир қаторда, хитой шоирлари ижодида ҳам маълумот келтирилган[16]; Ғарбий ўлкаларнинг (Ғарбий ўлкалар дейилганда асосан Марказий Осиё, Олд Осиё, Шарқий Туркистон назарда тутилади) санъати ва куй-қўшиқлари Танг салтанати саройларидаги маданий ҳаётнинг катта қисмини қамраб олган эди[17].

Қадимги хитой тили фонетикаси билан ҳозирги замон хитой тили товуш тизими ўртасида қатор фарқлар мавжуд бўлиб, мумтоз шеъриятни ўқиш ва ўрганишда ундай фарқларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим кўринади; Мазкур ўринда, хитой мумтоз шеъриятида вазнлар борасида қатъий қоидаларнинг вужудга келишида туркий халқлар адабиёти ва санъатининг алоҳида ўрни борлигини эътироф этишга тўғри келади. Масаланинг ушбу жиҳатлари бизнинг хитой адабиёти билан боғлиқ айрим муштарак томонларни давр нуқтаи назаридан таҳлилга тортишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Поэтик рамзлар семиотикаси**» деб номланган бўлиб, рамзларнинг маъно шаклланиш омиллари, уларнинг семиотика ва айрим тилшунослик соҳалари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилган.

Рамзда халқнинг ҳис-туйғулари, ҳаётий қарашлари, ўй-фикрлари, эстетик тушунчалари кабилар мужассамлашган бўлиб, маъно асосан юқоридаги омиллар таъсирида шаклланган. Менталитет муайян миллатнинг ривожланиш тарихида юзага келган ўзига хослиги ва бутун бир миллатнинг умумий руҳиятини ифодалайди, миллат тили айнан мана шу халқ руҳиятини маълум маънода ойдинлаштиради [18]. Рамзий сўзлар эса муайян халқ қарашларини, руҳиятини, маданиятини акс эттирувчи муҳим восита ва ўз навбатида рамзий сўзларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг маъно кенгайиши юқоридаги омиллар билан бевосита боғлиқ.

Танг шеъриятида образларнинг рамзий маъно шаклланишига асосан қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган: яхшиликка эришиш ва ёмонликдан қочиш психикаси; қайта учрашув ва айрилиқ психикаси; фикрини билвосита ифодалаш психикаси; иқтисодиётнинг ривожланиши; шеъриятга хос хусусиятлар; хитой тилининг фонетик хусусиятлари; шоир шахси ва ҳаёт йўли. Хуллас, танг шеъриятида рамзларнинг маъно қатламлари прагматик хусусиятга эга. Унинг матндаги маъноси субъектнинг қаердалиги, руҳий ҳолати, ижтимоий ҳолати ва мавқеи, касби, тарихий вазият, тафаккур тарзи, жамиятнинг ўзига хос маданияти каби бир қанча омиллар билан боғлиқ.

XX аср семиотик тадқиқотлар юқори натижаларга эришилган аср ҳисобланади. Мазкур ўринда Ф. де Соссюр, М.Кайзер, Ч.С.Пирс, Г.Фреге,

---

[15]谢弗：唐代的外来文明; -北京：中国社会科学出版社，1995 年，第 47 页.
[16]Классическая проза дальнего востока. –М.: Художественная литература, 1975. – С. 25.
[17]武君: 西域影响下唐代乐府诗研究. 内蒙古大学，2013 年. 第 1 页.
[18]沈锡伦: 中国传统文化和语言. –上海: 上海教育出版社, 2004 年. 第 27 页.

Ч.Моррис, Р. Якобсон, Лоран Барт, У.Эко каби олимларнинг изланишларини айтиб ўтиш мумкин. Уларнинг саъй ҳракатлари ўлароқ семиотикага оид назариялар ХХ асрда юксак даражада тараққий этди. Назарий тадқиқотлар ривожланиши билан бир пайтда семиотик назариялар ёрдамида кенг тарқалган белги (sign, symbol)ларни ўрганиш унинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, ҳозирги кунда маданий, бадиий, санъатга оид белгилар тизимини тадқиқ қилишда семиотик назариялардан кенг фойдаланилаётганлиги кўпчиликка маълум. Белгилар тизимини ўрганиш жараёнида семиотик назариялар ўзининг кенг кўламини намоён қилади, кишилик учун ҳаёт ва дунёни танишда янгича кўз қарашларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Замонавий семиотик кодлар ёрдамида хитой мумтоз адабиёти ҳамда бадиий асарларни тадқиқ қилиш мумтоз адабий асарларни янада тўғри англаш, халқнинг бадиий тафаккури, тарихи, руҳияти, ҳаётий қарашлари билан янада кенг ва муфассал танишиш имконини яратади.

Семиотик образларнинг шаклланиши кўп ҳолларда миллий маданият билан боғлиқ. Маданият табиий равишда ижтимоий ҳаётнинг адабиётда акс этишига олиб келади. Жумладан, 明月 *mingyue* (тўлин ой) хитой мумтоз шеъриятида кўп учровчи образлардан биридир. Су Шининг «明月几时有, 把酒问青天» (*...Тўлин ой келадир қайси чоғ , Қўлда қадаҳ ул самодан сўрайман…*) мисрасида *тўлин ой* семиотик образи қандай маънога эга? Шоир қадаҳ кўтариб, мовий осмондан *ой* қачон тўлин бўлишини сўрамоқда. Тўлин ой нима учун шоирни ўзига ром этди? Хитой байрамлари орасида «Тўлин ой байрами»[19] бор. Бу байрамда, одатда, яқинлар йиғилишиб хурсандчилик қилишади. Юқоридаги шеърда ҳам айни ҳолат акс этган. Подшоҳ томонидан қувғин қилинган шоир қўлига қадаҳ тутиб, тўлин ойдан яқинлари дийдорига қачон етишини сўрамоқда. Шунингдек, тўлин ой хитой миллий маданиятида ҳамжиҳатлик рамзи ҳамдир. Бундай маданий ҳаёт шакли табиий равишда инсонлар кайфиятига таъсир қилмай қолмайди. Айниқса, яқинлари, ўз ватанидан йироқда юрганлар учун тўлин ой соғинч, ёлғизлик, ўкинч ҳисларини осонгина юзага келтириши табиий.

Семиотик образ танлови индивид руҳияти билан ҳам алоқадор. Шу сабабдан ҳам образлар танлови турлича бўлади. Чунончи, қайсидир ижодкор ўхшаш бўлмаган образлардан фойдаланса, бошқа ижодкорлар эса бир образдан истифода этиши мумкин. Аммо, бу семиотик образ фарқли асарларда маъносини ўзгартиради. Зотан, буларнинг барчаси ёзувчи ёки шоир кайфияти, руҳияти ва кечмиши билан боғлиқдир. Хусусан, Ли Чингжао ўз асарларида май семиотик образидан фаол фойдаланди. Ли Чингжао ёшлик пайтида ёзган шеърларида қизларнинг воқеликка бўйсунмас романтик ҳислари ва муҳаббат туйғусининг уйғониш чоғлари юзага келган нафис таъсуротларини тасвирлайди. Бундай туйғуларни ифодалашда, май ва май билан боғлиқ ҳолатлар унинг шеъриятида эркинлик, тантилик, романтик руҳият, бахтдан масрурлик каби ҳислар тушунчасини ҳосил қилади. Шоира ўз мисраларида шундай ёзади:

---

[19] «Тўлин ой байрами» (中秋节) йил давомида Ой энг тўлин бўлганда ўтказиладиган хитой миллий байрами; сентябрь ойининг охирги ўн кунлигига тўғри келади.

昨夜雨疏风骤, 浓睡不消残酒。试问卷布人, 却道海棠依旧...

Кеча тун шивирлаб ёмғир, эсди увиллаб шамол, Қаттиқ ухладим, таралар майнинг ифори. Сўрасам, айтар дераза пардасин очиб оқсочим, Кечагидек гўзалмиш, ҳамон олма дарахтим...

Ли Чингжаонинг ёшлик йилларидаги ҳаёти завқу шафққа тўлалигиги сабаб юқорида келтирилган мисраларда «май» ҳаётнинг гўзаллигидан дарак беради. Бироқ кейинчалик салтанат таназзулга юз тутиши, ота-онаси ва турмуш ўртоғидан бир умрга айрилиши каби ҳаёт зарбаларидан сўнг шоиранинг қалби дарду ҳасратга тўлади, кайфиятида кучли салбий ўзгаришлар рўй беради. Унинг айнан шундай кайфият остида ёзилган шеърларида май образидан дардни унутиш, ғам-қайғу каби ҳисларни ифодалаш мақсадида фойдаланилганлигини кўриш мумкин:

乍暖还寒时候，最难将息。三杯两盏淡酒...

Кун гоҳ илиб, гоҳ совуб турган чоғ, қийин экан ўзингга оро бермоқлик. Уч қадаҳлаб ичсам-да кучсиздир шароб...

Умуман семиотик образнинг танланиши кўп омиллар негизида юзага келади. Шеърий асардаги ҳар бир образ янги, фаол семиотик белгидир, улар ўқувчига ўзининг алоҳида гўзаллигини намоён этади. Семиотик образ англатувининг барча маъноларни тўғри топиш юқоридаги омилларнинг таъсири билан боғлиқ. Мана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда семиотик образ ортида турган маънони англаш, унинг янги ва ҳар бир семиотик образнинг алоҳида қимматини кўриш имконияти юзага келади.

Биз семантика терминини маъно-мазмун деб тушунар эканмиз, демак сўз (рамз)нинг маъносини имкон қадар тўғри талқин қилишда тилшуносликнинг бир қатор йўналишларига мурожат этиш талаби ортиб боради. Масалан, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, психолингивистика, лингво-культурология, социолингвистика, герменевтик тилшунослик шулар жумла-сидандир. Когнитив тилшунослик нутқнинг сабаб ва оқибатлари хусусида бош қотирар экан, шеърий матнда рамзнинг нега қўлланилганлиги ва унинг оқибатларини тушунтириб беришда қўл келади. Масалан, Ли Байнинг «Ойдинда ёлғиз ичаман» шеърида «Ой» ва «май» рамзий образларидан кенг фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Нега айнан бу икки рамздан фойдаланилди? Сабабни тушунтиришда авваламбор шеърнинг ёзилиши борасидаги мавжуд фактларга асосланилади. Факт шундан иборатки, шеър шоирнинг сарой ишларидан четлатилган, руҳий тушкунликка берилган, айни баҳор пайтида битилган. Шеърда «Ой» ва «май» рамзий образларининг қўлланилиши сабаби улар шоир тафаккурида тушкунликни, ёлғизликни ёки бўлмаса, илинжни, улардан қутулишнинг ягона чорасига бўлган ишончни ифодаловчидир. Оқибат шунда кўринадики, бу икки рамзий образ шеърда айнан ёлғизлик ҳиссиётини юқори даражада гавдалантиришга хизмат қилади. Шу орқали рамзий образларнинг маъно қатламига чуқур кириб боришга ва унинг «ген таркиби»ни батафсил ўрганишга эҳтиёж туғила бошлайди.

Матнни талқин қилишда герменевтик методнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Герменевтик методнинг устунлиги шундаки, у матнни ўрганишда қўл келиши мумкин бўлган ҳар қандай соҳа тажрибаларидан фойдаланади.

Шеърий матн, хусусан рамзий образларнинг маъно талқинини амалга оширишда герменевтик таҳлил олиб борилиши матнни эстетик, ижтимоий, психологик нуқтаи назардан тушуниш ва тушунтириб беришда катта аҳамиятга эга.

Г.Гачев: «Барча халқлар воқеликни турлича тасаввур ва тасвир қилишади», деган эди. Бу фикр айнан рамзга ҳам тааллуқли бўлиб, рамзларнинг маъно кўлами шаклланиши ва бошқа ҳалқлар тушунчаси билан фарқланиб боришига ҳам тааллуқлидир. Инсон фаолияти маълум миллий маданият, муҳит доирасида кечади. Шу боис ҳар қандай турдаги билиш жараёнига оид тузилмаларда миллий колорит бўлиши ҳам табиийдир, шунингдек, рамзларда ҳам [20]. Бу ўринда рамзларни психолингвистика, лингвокультурология ва социолингвистика нуқтаи назаридан ўрганиш талаб даражасига кўтарилади[21].

Бадиий матннинг яратувчиси унга ўз фикрларини муайян ният (мотив) асосида, ўзига хос оҳанг воситасида сингдиради. Лекин бу оҳанг, шаклни ўқувчи ўз дунёқараши доирасида қабул қилади. Ўқувчининг савиясига қараб асардан аниқланадиган маънолар ўзгариб туради. У ўзининг ҳаётий ва бадиий тажрибаси билан худди шу жиҳатларни матнга сингдирган муаллиф асари маъносини бойитади. Ижтимоий ҳаётнинг тез ўзгариши оқибатида асарни тушунишда ҳам ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Бадиий асар уни яратган муаллифдан юқори туради. Шу боис асардаги муаллиф талқини ягона ва мажбурий эмас. Ижодкорнинг ўзи ҳам асарини яратган ҳолатига қайтара олишга ожиз.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Танг шеъриятида «Ой» ва «май» рамзлари семантикаси**» деб номланган бўлиб, «май» ва «Ой» образларининг рамзий маъно шаклланиши, бунга таъсир қилган омиллар, шунингдек, юқоридаги бобнинг хулосалари асосида Ли Байнинг «Ойдинда ёлғиз ичаман» шеърида «Ой» ва «май» образларининг рамзий маъно талқини ҳамда унинг матн мазмунида тутган ўрни аниқланади.

Ой хитой маданиятида шунчаки осмон жисими эмас, балки ўзининг фалсафий-мистик, тарихий-бадиий маъно мазмунига эга бўлган рамзий образ саналади. Ойнинг тўлин бўлиши ёки завол топиши хитой фалсафасидаги ҳаёт ва ўлим, яшаш мазмуни ва қайта туғилиш, ёшариш ва умрбоқийлик каби қарашларнинг юзага келиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳолат хитой адиблари руҳий-психологик ҳолатининг шаклланишига етарли даражада таъсир кўрсатди, «Ой» уларнинг ижод намуналарида турли рамзий маъноларни англатиш учун хизмат қилувчи образга айланди. Қуйида «Ой» образининг рамзий маъно хусусиятларини маълум гуруҳларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

Танг шеъриятини кузатар эканмиз, «Ой» образига **дўстга бўлган соғинч** мазмуни юкланганлигини пайқаш қийин эмас. Ой инсонлар орасидаги соғинч туйғуларини элтувчи элчи мақомига кўтарилди. Ванг Чанглинг бир шеърида шундай ёзади:

流水通波接武冈，送君不觉有离伤。青山一道同云雨，明月何曾是两乡。

[20]Гачев Г. Национальные образы мира. –М.: Советский писатель, 1988. – С.62.
[21]Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. «Сангзор» нашриёти,. 2006. – Б.62.

Сув оқса тўрт томони Вуганга боғланур, сизни кузатсам юрак-бағрим доғланур. Тоғимиз бир, булуту ёмғиримиз бир, ойдин ой бор экан битта юртга айланур.

Маълум бўлишича, шоир узоқ юртдан ўз дўстини кўргани келганда у айни пайт айбдор сифатида узоқ ўлкаларга сургун қилинаётгани ҳақида эшитади. Соғинч ҳисси ўртаган шоир ўз дарду ҳасратини, соғинчини Ой орқали элтади. Манзилга етгунга қадар ой унга ҳамроҳ бўлишини тилайди, Ойга қараганда бир-бирининг дийдорини ҳис қилишини ва бирга ҳасратлашишни истайди. Бундай ҳолатда лирик қаҳрамон учун ўз соғинчини ифода қилишдаги ягона илинж Ой эди.

